



ҚОРАҚҰЛ ҚҰЙЛАР БИЛАГУЗУК БЎҒИМЛАРИДАН ЛИМФА ОЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Тангиров Каюм Жураевич¹, Бобомуродов Урал Чориевич²,
Каримов Абдугаффор Давлат угли³, Тухтаева Ирода Панжи
кизи⁴

¹доцент в.б. ветеринария фанлари номзоди, ² ассисент, ^{3,4} талаба
Термиз агро технологиялар ва инновацион ривожланиш
институтини

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7199003>

ARTICLE INFO

Received: 27th September 2022

Accepted: 07th October 2022

Online: 14th October 2022

KEY WORDS

Бўғими ,қорақўл билак узук
кафт капсула,фиброз
контраст колектр лимфа
юза лимфа суйаклар аро
бўшлиқ.

ABSTRACT

Қўрақўл қўйларн билагузук бўғимларининг чуқур
лимфа томирлари топографик ва анатомик
тузилишлари ўрганилди. Бўғимлар капсуласи лимфа
тузилиши учта интраортен капиллярлар тўрени
хосил қилади . Битаси – снавиял иккитаси -фиброз
пардалар.ташкил топган булиб лимфа суюқлиги
жоррохлик усулда олинди.

Билагузук бўғими қорақўл қўйларда мураккаб, бир ўқли бўлиб, билак-билагузук, қаторлараро ва билагузук-карт бўғимларидан ташкил топган. Бугим капсуласи, ўзаро кучли бириккан фиброз ва синовиал пардалардан иборат. Бўғим капсуласининг синовиал пардаси учта бўшлиқ ҳосил қилади. Бунда, адабиёт маълумотларидан фарқли ўлароқ, 30 фоиз ҳолларда қатораро ва билатузуккат бўғимлари бўшлиқлари 2-3 ва 4-5 билагузук суюкларини орасида ҳосил бўлган суюклараро ёриқ орқали ўзаро кўшилади.

Н.А. Курдюмов (1930), Д.А., Жданов (1954), В.Н.Надеждин (1957), Сорокова (1951), Е.Г. Савран (1954) ва бошқалар ўзларининг тадқиқотларида кўрсатишича, бўғим бўшлиғи ва унинг капсуласига контраст моддаларни инъекция қилганда, лимфа фақат бир хил лимфа томирлари бўйлаб оқади.



Шу билан боғлиқ ҳолда, қорақўл қўйларида билагузук ва тирсак




бўғимларидан лимфа оқиш йўллари текшириш мақсадида, контраст моддаларни бўғим ичига юбориш усулидан фойдаландик. Билак-билагузук бўғими капсуласининг орган ичи лимфа турини текшириш учун А.Н.Сызганов 1940 услуби буйича юқори концентрациядаги спиртда тиниқ препарат таёрлаш усулидан фойдаландик.

Билак-билагузук бўғими капсуласида учта орган ичи лимфа тури мавжудлиги қайд этилди: биттаси - синовиал пардада (расм 3) ва иккитаси фиброз пардада бўлиб, улар анастомоз орқали ўзаро боғланган (расм 30), Лимфа капиллярлари тўри бугим капсуласини суяк асосига бириккан жойида бирмунча тараққийлашган бўлиб, у ерда қон томир капиллярлари кучсиз ривожланган. Орган ичи лимфа капиллярлари ўзаро қўшилишиб экстраорган лимфа томирларини ҳосил қилади ва бу томирлар бўйлаб лимфа оқими руй беради.

Билак-билагузук бўғимининг олдинги бурмасидан дорсо-латерал юзада проксимал йўналувчи 1-2 та тармоқланувчи томирлар чиқади (расм 26-6; 32-4), Билак-тирсакнинг юқориги соҳасида улар териости венаси билан параллел боради (расм 26-10) ва бўйиннинг юза лимфа тугунига Қўйилади.

Билак-билагузук бўғимидан чиқадиган 1-2 та тармоқланувчи лимфа томирларини ён тозада фиброз капсулата тешиб кириши ва бармоқларни ёзувчи ён мускулнинг дорсал юзасидан проксимал суяклараро бўшлиқ томонга йўналиши ҳоллари қанд қайд этилди (25 -баённома). Сўнгра, бу томирлар суяклараро

бўшликка кириб, (расм 14-16) билак-тирсакнинг медиал юзасига чиқади ва шу жой да оралиқ артерия, вена, нерв буйлаб борувчи лимфа коллекторларига Қўйилади. Бундай ҳолларда, лимфа қўлтиқ ости лимфа тугунига оқади (расм 26-20).



Билак-билагузук бўғимининг орка бурмасидан медио-пальмар суягининг медио-пальмар юзаси буйлаб уналади (расм 32-5), юзада 1-2 та тармоқланувчи лимфа томирлари чиқади ва улар билан йул-йўлакай улар билагузукнинг пай қинидан келувчи лимфа томирлари билан қўшилишади ёки мустақил равишда ўрта артерия, вена ва нерв буйлаб борувчи лимфа Коллекторларига Қўйилади. Ҳар иккала ҳолларда ҳам лимфа қўлтиқ ости тугунига оқади. Катораро бўғим капсуласидан 2-4 та экстраорган лимфа томирлари чиқади. Улардан 1-2 таси проксимал йўналган ва билак-тирсакнинг Ўрта қисмида билак-билагузук бўғилидан келувчи лимфа



томирлари билан қўшилишади (расм 26-6),

Бошқа 1-2 та томирлар бўғимнинг дорсо-медиал юзасида ўзаро қўшилишиб, проксимал томонга йўналган. Билак-тирсак соҳасида улар билак-тирсакнинг тери ости венаси буйлаб боради ва тирсакнинг букувчи юзаси орқали елканнинг дорсо-латерал юзасига утади. Лимфа бўйиннинг юза лимфа тугунига оқади расм 26-10).

Билагузук-кафт бўғимидан, кафт суягининг проксимал учи тўғрисида, дорсонвае диал озадан 2-3 та экстраорган лимфа томирлари чиқади.

Улар суяк аричасидан чиқибок, 1-2 та тармоқланувчи лимфа томирларига қўшилишади ва билак-тирсак соҳасида билак-тирсакнинг тери ости венасига параллел равишда тирсак бўғимининг букувчи тозаси тўғрисида боради. Лимфа бўйиннинг юза лимфа тугунига оқади (расм 4-9).

Шундай қилиб, лимфа оқими билагузук бўғимининг олдинги бурмасидан юза лимфа томирлари буйлаб бўйиннинг тоза лилафа тугунига, орқа бурмасидан эса чутур лимфа томирлари бўйлаб қўлтиқости лимфа тугунига руй беради.

References:

1. Гапалов М.Д. К анатомии лимфатических сосудов связочного аппарата верхней конечности человека. Труды Северо-Осетинского гос.мед. ин-та "Вопросы теоритической медицины", 1967, Вып.6, с.176-Т8Т.
2. Гапалов М.И. Взаимоотношения лимфатических и кровеносных Сосудов в сухожилиях мышц плечевого пояса. Труды Новосибирского то, мед. ин-та "Лимфатические и кровеносные пути". микроциркуляция в эксперименте и клинике), 1976, т.84. сочинений, т.2 АН СССР, 1946.
3. Павлова в.н. Синовиальная среда суставов. М., 1980, с.294.
4. Саввин В.И. Отводящие лидиру сосуды спновиальных сухожилий верхней и нижней конечности. Труды II съезда зоологов, анатомов, гистологов, Киев, 193Т. с. 268-269.
5. Савин В.И. Осно душе лимфатические сосуды синовиальных влагалиш сухожили конечностей человека. Труды Воронежского 0.75-37.ме. ин-та. т.6, Анатолия лиматической системы", 1937,
6. Ханлин А.Ф. Принципы топографо-анатомического исследования метода интраметрии. В кн.: "Топографическая анатомия и хирургия с-х животных", Фрунзе, 1971, с.3-25.
7. Цамерян А.Д. Ультраструктура и проницаемость стенки сосудов лимитатической системы. Дисс. ... канд. мед.наук. М., 1972,с.218.